

Оилада психологик зўровонлик, сабаблари, оқибатлари ва бартараф этиш усуллари

Раъно Исмайлова. Оила хуқуқи ва гендер тенглик бўлими бошлиғи, психология фанлари номзоди

Оиладаги психологик зўровонлик - бу инсонга босим ўтказиш ва унинг қадр-қимматини камситиш, жамиятнинг кичик доираси бўлган оилада содуир бўладиган ҳолатдир. Жабрланувчининг психологик холатидан бошқа излар йўқлиги сабабли бу каби зўровонликнинг содир этилганлигини билиш қийин. Бундай зўровонликнинг оқибатлари эса асабий тушкунликдан тортиб, қаттиқ депрессия ва хатто ўз жонига қасд қилишгacha бўлган даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бироқ, оқибатларнинг олдини олиш учун унинг сабабларини, турларини ва аломатларини ўз вақтида аниқлаш керак. Шу билан бирга тўғридан-тўғри жабрланувчининг ўзи билан ишлаш талаб этилади.

Оиладаги руҳий зўровонлик ҳиссий, деб хам аталади. Бу тизимли равища оиланинг бирор бир аъзосига жисмоний таъсири кўрсатмасдан унинг шахсига зўровонлик кўрсатишидир. Ушбу харакатларнинг мақсади жабрланувчини тажовузкорнинг аниқ ёки яширин истакларига буйсунишга мажбур қилишидир. Жисмоний ва руҳий заиф оила аъзолари - аёллар ва болалар - бу турдаги психологик босимдан азият чекадилар. Бироқ, эркаклар ҳам ҳиссий зўровонлик қурбонига айланишлари мумкин.

Психологик зўровонликнинг юзага келиши ўта индивидуалдир ва у қатор омилларга боғлиқ: оила тuzuлиши, тажовузкорнинг шахси, молиявий аҳвол ва бошқалар. Бироқ кузатишлар, амалиётдаги ҳолатлардан олинган хulosалар психологик зўровонликни қуидаги турларини ажратишга имкон беради:

- **Камситилиш** - жабрланувчини хар қандай сўз билан масхара қилиш, қоралаш, танқид қилиш, хақоратлаш ва камситиш каби психологик зўровонлик тури, масалан: исм билан эмас, балки хақоратли лақаб билан мурожаат қилиш;

М. ҳикояси. Онам доимо отамнинг зулмига чидаб келган. Отам ҳеч қачон онамни исмини айтиб, ёки миллий одатларимизга кўра бош фарзанднинг исмини айтиб ва хатто “ойиси”, деб хам чақирмаган. Отам онамни доимо “бедаво”, деб чақирар эди. Отамнинг овози ва оҳангига ҳали хам қулоғим остида жаранглайди.

- **Хукмронлик.** Бундай холатда, жабрланувчига боладек муомала қилинади, ҳар бир ҳатти ҳаракатига баҳо ёки изоҳ берилади, зўровоннинг ўзи томонидан қуйилган қоидаларга риоя қилишни талаб қиласди, ҳар бир хатони сезади ва

жабрланувчининг ижтимоий доирасини ва сарф-харажатларни назорат қиласи (шу билан иқтисодий зўровонликка келади);

Н. Ҳикояси. Турмуш ўртоғим доимо менга танбех беради, ойимниги бориши учун бир ой олдиндан рухсат сўрашни бошлишим керак, бу ҳам етмагандек, кетишимидан олдин сумкаларимни очиб текшириб кўради, нима олиб кетяпсан деб, сўроққа тутади.

- **Эътиборсизлик** - жазо сифатида жабрланувчига умуман эътибор бермаслиқ, гапларни эшитмаганга солиш каби зўровонлик;
- **Айловлар** - барча хатолар ва муваффақиятсизликлар учун жавобгарлик жабрланувчига берилади, хаттоти унинг муаммога умуман алоқаси бўлмасада;
- **Боғланиб қолиши** - жабрланувчи ўзи учун ўз ишини ўзи хал қилиш хукуқидан бутунлай маҳрум бўлиб, уни хар нарсада тажовузкорга боғлиқ бўлишга мажбур қиласи;
- **Газлайтинг** (“Газ ранги” инглиз пьесасидан олинган термин) жабрланувчини фикри, ақл -тафаккурининг соғломлига шубҳа ўйғотишга мажбур қилиш. Масалан, тажовузкор жабрланувчини жаҳлини чиқаради ва уни жуда жаҳлдор эканлигига ишонтиради. Агар бирор киши бир нарсани кетма-кет такрорласа, эртами-кечми одам буни хақиқат, деб қабул қила бошлайди ва охир-оқибат ўзниг реакцияларини адекватлигига шубҳа қиласи.

Газлайтингнинг ўзига хос аломатлари бошқа ҳиссий зўровонликларда хам кузатилади ва кўпинча никоҳ муносабатларида, ишда, дўстона муносабатларда ва бошқарувда- шахсларо мосабатлари доирасида кузатилади.

Газлайтингнинг асосий белгилари:

- ўз фикри тўғри эканлигига доимо шубҳа, ишончсизлик билан қараш;
- тез тез кечирим сўраш;
- ҳатто оддий танловдан қўрқиши;
- доимо ўз-ўзига савол бериш “ ҳис-туйгуларга берилиб қолмадимми? ”;
- ўз фикрини тез-тез кўриб чиқиши.

Оилада психологик зўравонликнинг қўйидаги сабабларини қўрсатиш мумкин:

1. Зўравонлик ўзини бошқалар олдида тасдиқлаш усули сифатида.

Оилада ўзини бошқа оила аъзолари ҳисобига тасдиқлашга интилади, бошқаларга нисбатан зўравонлик ишлатиб, бундай киши ўз мақомини "асосий", оилада "хамма қўрқадиган" мақомини эгаллашга интилади.

2. Ўзи зўровонликини бошидан кечирган ёки кечираётган шахс зўровонликка нисбатан зўравонлик билан жавоб сифатида.

Зўровонлик кўрсатган шахс ўзи қачондир зўровонлик қўрбони бўлган ва ўзининг ҳам зўравонлик кўрсатишини табиий деб, билади.

3. Оиладаги тартиб учун зўравонлик.

Энг кенг тарқалган ва энг қийин сабаб: оиладаги зўравонлик оиласда тартибни сақлаш усули сифатида. Бу ерда зўравонлик ёки ундан фойдаланиш таҳдиди, бундан ташқари, онгли равишда ёки онгсиз равишда, бутун оила аъзоларини "жиловлаш" ва "ҳаётга тайёrlаш" учун ишлатилади.

Оиласда аёлларга нисбатан зўравонлик кўрсатиши ривожланиш жараёни кўпинча фақат фаол босқичда аниқланади, аммо ривожланиш босқичларини бошланғич ҳолатларини кузатиб бориш қийин эмас.

Психологик зўравонликнинг формуласини ортиб ёки кўпайиб борувчи тартибда кўрсатиш мумкин:

1. Муносабатларга дарз кетиш;
2. Зўровонликни синаб кўриш;
3. Фаол зулм;
4. Юқори даражадани зулм;
5. Жабрланувчининг тўлиқ бўйсуниши;
6. Катарсис

Оилавий психологик зўравонликни ривожланиши формуласига қўра, ҳамма нарса танаффусдан бошланади. Тажовузкор билан содир бўлган вазият бугунги кунга қадар анча олдин содир бўлиши мумкин: ишдан бўшатиш, яқин қариндошининг ўлими, бизнесдаги муваффакиятсизлик - одамга жиддий таъсир кўрсатган ҳар қандай салбий ходиса уни заифларга ҳукмронлик қилиш орқали ўзини тасдиқлашга олиб келиши мумкин.

Тажовузкор "зўровонликни синаб кўриш"ни бошлайди. Ушбу босқичда жабрланувчига танбех бериш, овозини баландлатиш, бақириш, ҳақорат, дастлабки хўрлик ва чекловлар, манипуляция қилишга уриниб қўради ва ўзидаги салбий ҳолатлардан озод бўлиш йўли деб, тажовузкорликни давом эттиради.

Фаол зулм босқичи кўп йиллар давом этиши мумкин ва унинг натижаси жабрланувчининг ҳаракатлари ва тажовузкорнинг хабардорлигига боғлиқ. Агар биринчиси қаршилик кўрсатса, иккинчиси унинг хатти-ҳаракатлари сабабларини тушунишга қодир бўлса, иккаласи ҳам ўз муносабатларини

ижобий барқарорликка қайтариш имкониятига эга. Агар жабрланувчи қаршилик күрсатмаса ва тажовузкор зўравонликни жуда хоҳласа, эртами-кечми фаол зулм ўзининг энг юқори чўққисига чиқади.

Психологик зўравонликнинг энг юқори чўққиси кўпинча қисқа муддатли бўлади - энг қисқа вақтдан бир неча ойгача. Ушбу даврда жабрланувчи ҳам, тажовузкор ҳам бир-бирларини чарчатадилар: жабрланувчи - қаршилик билан, тажовузкор - психологик зўравонлик билан. Ушбу шиддатли даврда ҳар қандай эҳтиётсизлик ҳаракати иккаласи учун ҳам қайтариб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин - тўлиқ бўйсуниш ёки катарсис.

Охирги босқич ҳал қилувчи ва бу зулм босқичида узоқ вақт ушланиб қолиш қийин. Бу ёки жабрланувчининг кичик ёши билан, ёки жабрланувчининг тажовузкорга кучли боғлиқланиб қолганлиги сабабли бўлиши мумкин. Ушбу босқичгacha етишиш учун жабрланувчининг юз бераётган воқеалар тўғрисида тўлиқ хабардор бўлади албатта. Мавжуд зўравонлик ва тажовузкорнинг зулмидан қутулиш истагининг асл моҳиятини англаған ҳолда, жабрланувчи бўйсунишга мажбур бўлади ёки назоратдан чиқиб кетади: у тўлиқ бўйсунишини тан олади ёки катарсисга эришади.

Оиладаги тажовуз ва зўровонликни енгишга ёрдам берадиган бир қатор харакатлар мавжуд:

- Аввало, шахс мулоқот қоидалари ва ўзига бўлган ишонч устида ишлаши керак.
- Жабрланувчи оиладан ташқарида, масалан, қариндошлари, дўстлари ва психолог, ижтимоий иш ходимларидан ўзини ҳимоя қилиш усууллари нинг манбаларни излаши керак бўлади, чунки кўпинча тажовузкор босимнинг барча воситаларидан фойдаланади, баъзан ҳатто жабрланувчининг ташқи дунё билан алоқасини чеклайди;
- Тажовузкор психологик зўравонлик билан чекланса ва жисмоний таҳдид бўлмаса, тажовузкорнинг зулмли хатти- харакатига қандай қилиб тўғри жавоб беришни ўрганиш мухимдир. Баъзида тажовузкор ҳатто унинг сўзлари қанчалик ёқимсиз ва заарли бўлиши мумкинлигини англамайди. Уни қандай тушунтиришни ўрганиш ва руҳий оғриқ пайтида аниқ кўллаш олиш мухимдир;
- Ўзаро муносабатни ўрнатиш вақтида ниманидир сўраш, баъзида вазиятни ижобий томонга ўзгартириши мумкин. Агар тажовузкор жабрланувчидан илиқ ҳис-туйғуларни талаб қилса, ўзидан ҳам ўзаро илиқликини сўраш, унинг умуман ажабланарли бўлиши мумкин. Бу ҳолат тажовузкорнинг қўзини очиб, вазиятни тубдан ўзгартирган ҳолатлар мавжуд.
- Агар шахсга (аёлга) таҳқирланиш ёки таҳдид қилинаётган бўлса, тажовузкор ўзининг ҳаракатларидан хабардор эканлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. У нима қилаётганини тушунадими, хотиржам оҳангда

сўраш керак бўлади. Эҳтимол, у ўз ҳаракатларининг заарли эканлигини англаб етмаган бўлиши мумкин;

- Оғир вазиятларда манипуляцияга мурожаат қилишдан қўрқиш керак эмас. Агар зиддият энг юқори чўққида бўлса, тажовузкорга зўравонлик оқибатларини, масалан, нима бўлаётганини кўрган ёки кўраётган болаларга ишора қилиш лозим. Баъзи ҳолларда, бу уни тинчтиши ва хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлаб кўришига олиб келиши мумкин.
- Албатта, ҳар бир вариантда жабрланувчи тажовузкорнинг қаршилигига дуч келади. Бироқ, ҳар сафар зўравонлик намоён бўлганда қаршилик кўрсатиб, таслим бўлмаслик ва охиригача курашиш керак. Тажовузкор шахсга ниманидир тушунтириш осон эмас, ҳар сафар катта психологик ишни бажариш, текшириш ва тез-тез ишлайдиган жавоблар ва ҳаракатлар ёрдамида амалга ошириш керак. Ўзининг кучли томонларини топиш ва уни ривожлантириш лозим.
- Охирги чора-сифатида, мутахассиснинг ёрдамига мурожаат этиш мумкин. Биринчидан - жабрланувчининг ўзига, кейин тажовузкор рози бўлса, у билан бирга психолог маслаҳатига бориш керак.
- Оиладаги ҳар қандай зўравонликнинг олдини олиш учун унинг асосий аломатлари бошланишидан олдин чора-тадбирларни кўриш лозим.
- Оилада зўравонликнинг олдини олишда муҳим ҳолат - бошқаларнинг ижтимоий маъсулиятидир. Баъзан вазиятни қариндошлар ёки бегона одамлар кутқариши мумкин, улар зўравонлик белгиларини кўргач, аралашиш, зўровон шахс билан гаплашиб кишиш керак агар бу фойда бермаса тегишли органларга мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Дастребки босқичда ушбу муаммо психологлар билан бир нечта сухбатлар орқали муваффакиятли ҳал қилиниб, катта муаммоларнинг олдини олишга олиб келиши мумкин.
- Жабрланувчи ўзининг тақдири учун қўрқув ва хавотирда бўлса, у ҳар доим ишонч телефонидан ёки бошқа мутасадди ташкилотлардан психолог ёрдамини сўраши мумкин:
 - хуқуқни муҳофаза қилиш органлари (агар жисмоний ёки жинсий зўравонлик бўлса);
 - тиббиёт муассасалари (мутахассис билан сухбатлашиш мумкин);
 - ижтимоий ёрдам марказлари;
 - ишонч телефони.